

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 19-may, payshanba

№ 18 (9182)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi



## ЎЗБЕКISTONDA ПОМИДОРНИНГ ЯНГИ НАВИ ИХТИРО ҚИЛИНДИ

Сабзавотчилик соҳаси олимлари томонидан помидорнинг очиқ майдон ва иссиқхонада етиштиришга бирдек мос янги «Универсал» нави ихтиро қилинди. Бу ҳақда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хабар бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг бир қатор селекционер олимлари – Екатерина Лян, Рустам Низомов, Шермухаммад Аминов ва Жамил Тўраевларнинг ўн йиллик самарали меҳнати натижасида очиқ майдон ва иссиқхонада етиштиришга мос помидор нави ихтиро қилингани айтади. Ушбу нава “Универсал” номи берилди.


Янги нав ўртапишар бўлиб, усув даври 120-122 кунни ташкил этади. Асосий поясининг узунлиги иссиқхонада 2,0-2,5 метр, очиқ майдонда 1,5-1,8 метргача етади, шохланиши ва баргланиши эса ўртача. Барги оддий, тўқ яшил, ўртача бурмали. Биринчи тўпгули 8-9 бўгинларда жойлашган. Меваси ясси юмалоқсимон, юзаси

силлик, қизил. Помидор вазни 100-120 г, мева асоси кичик чуқурчали. Уруғхонаси 4-5 та. Дегустацион баҳоси 4,9 баллдан иборат.

Таркибида қуруқ модда миқдори - 4,8 фоиз, умумий қанд - 4,2 фоиз, аскорбин кислотаси - 24,2 фоиз. Ҳосилдорлиги: иссиқхонада 15-18 кг/м<sup>2</sup>; очиқ майдонда 38-42 т/га ни ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа навлардан 15-20 фоиз юқори дегани.

Помидорнинг “Универсал” навини республикада кенг жорий этиш, бирламчи уруғчилигини ўрнатилган тартибда ташкил этиш учун нав ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Қишлоқ хўжалиги экинлари навлари синаш марказига давлат реестрига киритиш учун ва Интеллектуал мулк агентлигига патентлаш учун тақдим этилган.

Ўз мухбиримиз



## БЕБАҲО ХАЗИНАДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ

Ўзбекистон давлат санъат музейида 18 май – Халқаро музейлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов, вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги директори Шаҳриёр Нуруллоев ва бошқалар бой маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг тарихий аҳамияти ҳамда мазмун-моҳиятини халқимиз, ёшлар ва мамлакатимизга ташриф буораётган меҳмонларга етказиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар. Зеро, музейлар мамлакатимиз туристик салоҳиятини кенгроқ намойиш этишда, сайёҳликни янада раванқ топтиришда катта аҳамиятга эга.

Шу боис мамлакатимизда музейлар фаолиятини замон билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларининг машаққатли меҳнатини қўллаб-қувватлаш масаласида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бир қатор музейлар фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Уларнинг ташқи кўриниши, экспозициясини қайта барпо этишда жаҳоннинг энг етакчи илмий-маърифий ташкилотлари, номдор экспертлар, музейшунослар, олимлар, меъморчилик соҳаси вакиллари жалб этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Бу йил юртимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкилий тузилмаси ва фаолиятида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди. Аини пайтда эса фуқаролар йиғини раиси сайлови давом этмоқда. Тез орада бу жараён ҳам якунига етиб, маҳаллалар янги асосда иш олиб боради. Албатта, бу янгилик ва ўзгаришлар аввало ҳудудлар ривожига хизмат қилиши, аҳоли турмуш тарзи, ҳаётида ўз аксини топиши лозим.

Самарқанд вилоятидаги 1126 маҳаллада ҳам бугун тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга энг устувор вазифаси сифатида қаралмоқда. Вилоят маҳаллабанд ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг тўрт ойида оилавий тад-



биркорлик дастурлари доирасида 8 минг 316 нафар жисмоний ва юридик шахсга 232,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Шунингдек, 1 минг 444 нафар фуқарога 1,8 миллиард сўм субсидия берилган. Мисол учун, Тайлоқ тумани “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчисининг тавсияси асосида шу маҳаллада яшовчи Раҳима

Амоновага таълим хизмати, яъни ўй боғча фаолиятини йўлга қўйиши учун Халқ банки томонидан 32 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Аини пайтда фуқаро ўз хонадонидан оилавий мактабгача таълим муассасаси ташкил этиб, 2 нафар ишсиз фуқаро бандлигини таъминлади.

(Давоми 2-саҳифада)



## “БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ”

МАЗКҲУР ТАМОЙИЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Маълумки, бугунги кунда “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳудудларда тупроқ-иқлим шароити, инсонларнинг деҳқончилик маданияти, маҳсулот сотиб олувчи кластер, кооперациялар, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарнинг маҳсулот турига бўлган талаби асосида қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра 7184 гектарда картошка, 12839 гектарда сабзавот, 8062 гектарда дуккакли экинлар экилмоқда.

Ҳар бир ҳудудда, маҳаллалар кесимида танлов асосида деҳқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Мисол учун, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги “Жиғачи” маҳалласида 14 гектар ер 49 нафар фуқарога 30 сотихдан танлов асосида ажратилган.

(Давоми 2-саҳифада)



## АЗИЗА ВА МОҲИРА ЮРТИМИЗ СПОРТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ



Туркияда давом этаётган дунё биринчилигида юртимиз спортчилари орасидан Азиза Ёқубова ва Моҳира Абдуллаевалар ўз вазилари бўйича медалли босқичгача етиб келдилар. Бу юртимиз боксида хотин-қизлар ўртасида тарихий ғалабадир. Зотан, ҳали мамлакатимиз спорти тарихида бу ютуқ забт этилмаган эди. Кейинги баҳслар натижасидан қатъий-назар улар юртимизга бокс бўйича хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионати медалларини олиб келдилар. Булар кейинги баҳслар натижасига қараб олтин, кумуш, бронза медалларидан бири бўлади.



## “АСАЛАРИ БОҚИБ, ЮРАК ХАСТАЛИГИДАН ХАЛОС БЎЛДИМ”

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

2

Мингбулоқ туманидаги Момохон маҳалласи қадим Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, бугунги кунга келиб обод ва кўркем ҳудудга айланган. Атрофи бепоён пахтазор, ғаллазор, боғ, полиз экинларига бурканган. Маҳалладан оқиб ўтувчи дарё, канал, ариқлар ёнларида асалари учун зарур бўлган кўплаб ўсимлик ҳамда жийдазорлар бисёр. Хуллас, бу ерлар асаларичиликни ривожлантириш учун қулай макон ҳисобланади. Бу йил 64 ёшга тўлган Эркинбой Умаров ҳам шу маҳаллада истиқомат қилади. Узоқ йиллар мактабда ишлаган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



## БИР КИЛО ПИЛЛАГА 24 МИНГ 700 СЎМ БЕРИЛАДИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА САНОАТНИНГ МУҲИМ ХОМАШЁСИ – ПИЛЛА ҲОСИЛИНИ СИФАТЛИ ЙИҒИБ ОЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

2





## БИР КИЛО ПИЛЛАГА 24 МИНГ 700 СЎМ БЕРИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилда вилоятда 39 минг 168 кўти ипак курти парваришлари, 2 минг 233 тонна пилла хом ашёси етиштириш режалаштирилган.

Шу мақсадда шаҳар ва туманлардаги 4 минг 923 та фермер хўжаликлари билан 8 та пиллачиллик кластерлари ўртасида контрактация шартномалари ҳамда фермер хўжаликлари билан 32 минг 778 нафар кўрт боқувчилар ўртасида 33 минг 672 кўтига ички меҳнат шартномалари тuzилган. Озуқа базасини тўлиқ шакллантириш учун бу йил вилоятда 16 миллион туп тўт кўчатлари экилган.

Қишлоқ хўжалигида чилги ҳосил сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган пиллачиллик тармоғи жадал ривожланиб, экспорт имкониятлари йилдан йилга яхшиланиб келмоқда, — дейди вилоят «Агропилла» масъуляти чекланган жамияти бошқаруви раиси Мақсуджон Қосимов. — Эътибор ва рағбат соҳа ривожини таъминлаш, аҳолининг доимий даромад

## БЕБАҲО ХАЗИНАДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда ташкил этилаётган янги музейлар эса тарихимизнинг ўқилган саҳифаларига тэрароқ назар солиш, маънавий жасорат кўрсатган ҳамюртларимиз, фидойи ишдоқорлар фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун сана баҳонасида соҳа вакиллари галдаги долзарб вазифалар, бажарилиши керак бўлган амалий чора-тадбирларни муҳокама этмоқда.

Юртимиз меҳмонлари, халқимиз, айниқса, ёшлар эса музейлар фаолиятидан баҳраманд бўлмоқда. Қизиқarli кўргазмалар, ўқув семинарлари, анжуманлар, санъат йўналишлари бўйича маҳорат дарслари, экскурсиялар ушбу санга ўзгача руҳ беришмоқда.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон давлат санъат музейининг бебаҳо экспозициясидан баҳраманд бўлдилар.

Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан амалга ошириладиган тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Семинар давомида жорий йилдан бошлаб ғаллачиликка ихтисослашган кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан вақтинчалик сақлаш учун ғаллани қабул қилиш, сақлаш ва келгусида биржа савдоларига чиқаришда амалий кўмак бериш

Вилоят ҳокимлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлар раҳбарлари, ҳуқуқ тартибот идоралар бошқилари, "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси ва туманлар бўлиmlари бошқилари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ўқув-амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ш.Раҳимов, вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Абдулов ва бошқалар

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Пайариқ тумани Гўзал маҳалласида яшовчи хунарманд Тўлқин Зафаров эса ҳоким ёрдамчиси кўмағида "Агробанк" туман филиалидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фаолиятини кенгайтирди ва ёнига тўрт нафар ишсиз фуқарони олиб, уларга хунар ўргатмоқда.

— Маҳаллаларида аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида биргина апрель ойида қарийб 15 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Жамшид Ўроқов. — Уларнинг 2100 нафари доимий ишга жойлашган бўлса, 12 минг 537 нафари ўзини-ўзи банд қилган, 319 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган. Ҳоким ёрдамчилари фаолият бошлаб, хонадонлари хатловдан ўтказиш жараёнида маҳаллалар инфратузилмасига ҳам эътибор қаратилди. Натижада вилоятдаги 473 та маҳаллада сув таъминоти ва суғориш тизими, йўл, электр энергияси, табиий ва суёлтирилган газ билан таъминлаш масалаларида муаммолар борлиги аниқланиб, маҳаллалар кесимида "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Айни чоғда йўл хариталарида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, Ургут тумани учинчи сектор ҳудудидаги Мўминобод маҳалласида 1 километр ички йўлларга тош-шағал ётқизилди, 1 та сув иншооти қурилиб, 5 километр сув тармоғи тортилди. 2 та сув иншооти таъмирланди. Бундан ташқари, 1 та янги трансформатор ўрнатилиб, 1,3 ки-



лометр электр тармоғи тортилди. Бу каби ишлар Каттақўрғон туманининг Олмазор ва Найман маҳаллаларида ҳам амалга оширилди.

Маҳаллаларни ихтисослаштириш, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам маҳаллабай ишлаш тизимининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда вилоятда деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган маҳаллаларни "лидер" тадбиркорлар орқали ривожлантириш бўйича амалий ишлар бошланди. Хусусан, Пайариқ туманида узумчилик, чорва ва паррандачиликка ихтисослашган 13 та маҳаллада "лидер" тадбиркорлар ёрдамида аҳоли бандлигига кўмаклашилмоқда.

— Бизнинг худудимизда боғдорчилик,

яъни майиз тайёрлаш яхши ривожланган, деярли ҳар бир хонадон шу фаолият билан шуғулланади, — дейди Пайариқ туманидаги "Деҳқонобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Содиқ Холбўтаев. — Аҳоли майиз маҳсулотларини асосан бозорда сотади ёки тадбиркорларнинг ўзлари келиб олиб кетади. Агар шу маҳсулотни ўзимиз тозаб, саралаб сотсак даромад яна ҳам кўп бўлади. Шу мақсадда маҳалламиздаги "Файзулла бобо сервис" оилавий корхонаси томонидан майизни қайта ишлашга мўлжалланган кооперация ташкил этилди. Лойиҳага Халқ банки Пайариқ филиали томонидан 580 миллион сўм кредит ажратилди. Ягона миллий меҳнат тизими орқали 38 нафар фуқаро ёлланма ишчи сифатида рўйхатдан ўтказилиб, бандлиги таъминланди.

## "АСАЛАРИ БОҚИБ, ЮРАК ХАСТАЛИГИДАН ХАЛОС БЎЛДИМ"



(Боши 1-саҳифада)

1981 йилнинг баҳори эди ўшанда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган тоғаси Набижон ота Турғунов асалари боқишда ёрдамлашиб юриб, тажриба орттирган Эркинжон битта асалари оиласини совға қилди. У

ишдан бўш пайтларда жониворларни парваришда ҳақидаги китобларни мутулаа қилиб борди, билмаганларини 92 ёшли тоғасидан сўраб, амалиётга тадбиқ этди.

— 2006 йил юрак касаллигига учирадим. Шифокорлар оғир меҳнат

қилмаслигимни айтди. Асаларичилик билан шуғулланишимни эшитиб, қўллаб-қувватлашди. Бу жониворга чақтириб, унинг шифобахш маҳсулотларидан истеъмол қилишим натижасида қисқа фурсатда соғлигимни тиклаб олдим. Турмуш ўртоғим Эътиборхон ҳам боғча тарбиячилигидан нафақага чиққан. Беш нафар фарзандим, невараларим бор. Ҳаммасини ўқитиб, уйлаб, чиқарганим. Барчаси асалари парваришлари яхши билишди. Доимо менга кўмакдош. Ҳозир 96 та уяда асалари бор. Йилга 1500 килограмдан кўпроқ маҳсулот оламиз. Ҳар баҳор асаларичиликка қизиққанларга юздан ортиқ "пакет"лар етказиб берамиз. Шифобахш асалнинг харидорлари кўп. Улар асосан уйимизнинг ўзидан олиб кетишади. Бир қисминини кам таъминланган, ёрдам муҳтож оилаларга, боғча, шифохоналарга эҳсон қиламиз, — дейди Эркинжон Умаров.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.



## "БИР КОНТУР — БИР МАҲСУЛОТ"

МАЗКУР ТАМОЙИЛ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИДА БОЗОР  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА  
МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Маҳалладаги хонадонлар азалдан сабзавотчилик билан шуғуллангани учун аҳолида бу борада етарлича тажриба шаклланди. Мазкур маҳаллага "Бухоро альянс" экспортёр корхонаси буюртмачи сифатида бириктирилган. Айни кунда корхона етиштирилган маҳсулотни харид қилиш бўйича шартнома расмийлаштирилмоқда. Ижара асосида ажратилган 14 гектар ерга помидорнинг лоджней нави экилди. Корхона 30 сотих майдонга ўртача 8000 тонна помидор кўчати етказиб берди. Помидор етиштириш учун 14,4 миллион сўм (экишга ерни тайёрлаш, экиш, минерал ўғит, ўсимликларни химоя қилиш ва бошқа харажатлар) харажат қилинади. Ушбу майдондан ўртача 15 тонна помидор етиштириш ва тўлиқ сотиб олишга келишилди. Шунда хонадоннинг соф фойдаси 30,6 миллион сўмни ташкил қилади. 14 гектарга эса сентябрь ойида карам етиштириш мўлжалланган. Экспортёр корхона ҳар бир деҳқон хўжалигига ўртача 36 минг дона карам кўчати тарқатишга келишиб олди.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни Наманган вилояти милисида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилда вилоятда 6439 гектар экин майдони ажратиш режалаштирилган. Бунда "e-auction" электрон савдо платформасига 5510 гектар майдон 45 минг 779 та лотга бўлиб жойлаштирилди. Ушбу лотларнинг 86 фоизи, яъни 6265 гектарининг голиби аниқланди. Ҳозирда 5326 гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Жумладан, Норин туманида фуқароларга 560 гектар ер ажратиб берилди. "Темир дафтариди" турувчи Э.Турсунов, М. Антаев "Аёллар дафтариди" турувчи Д. Турдиева, У. Абдурашидовлар оиласига ажратилган 10 сотихлик деҳқон хўжаликларига дукакки экинлар парваришланмоқда. Бундан ижобий ўзгаришларни Уйчи, Чуст, Чортоқ туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Аҳолининг даромад топишига қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилаётган бу каби тадбирлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Муродилла ТУРДИЕВ,  
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлими мутахассиси.

## ЎРИМ-ЙИҒИМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

Самарқанд вилоятининг Окдарё туманидаги "Окдарё дон қабул қилиш шаҳобчаси"да Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 11 май куни ўтказилган "Дон маҳсулотлари корхоналари трансформация жараёнларининг натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги видеоселектор йиғилишида йуклатилган топшириқлар ижросини таъминлашга бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлар раҳбарлари, ҳуқуқ тартибот идоралар бошқилари, "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси ва туманлар бўлиmlари бошқилари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ўқув-амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ш.Раҳимов, вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Абдулов ва бошқалар

юзасидан тушунтиришлар берилди. Техникаларнинг мавсум олди-дан техник кўриқдан ўтказилгани, ёнига қарши воситалар билан жиҳозлангани, отряд аъзоларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш, хавфсизлик бўйича билим ва кўникмалари кўриқдан ўтказилди. Кўргазмали тарзда ўтган семинарда ўрим мавсумида вақт йўқотмаслик ва отрядларга кулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган кўчма ётоқхоналар, комбайн операторлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кеңирилди. Шунингдек, ўрим мавсумига тайёргарлик бўйича мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга отрядларда вазифалар тақсимоли, комбайн операторлари ва ҳайдовчиларга иш ҳақи ажратиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Таъкидландики, жорий йил ҳосили учун етиштирилган ғалла ҳосилини нес-нобуд қилмасдан, уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олиш мақсадида мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, дон маҳсулотларини навлар ва авлодлар кесимида жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

— Жорий йилдан бошлаб ғаллачиликка ихтисослашган кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан дон қабул қилиш масканларига вақтинчалик сақлаш учун топшириладиган ғаллани келгусида биржа савдоларига чиқариш билан боғлиқ масалаларда тушунчалар берилди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Шахриддин Бутунов. — Самарқандлик тажрибали деҳқонлар аниқ кўнларда мавжуд

94 минг 391 гектар ер майдонидagi бошоқли дон экинларидан етиштирилган мўл ва сифатли ҳосилни ўз вақтида ўриб-йиғиб олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда 254 та ғалла ўриш комбайни сифатли таъмирланиб, инспекциянинг туманлар бўлиmlари томонидан тегишли сертификатлар берилди. Ғаллакорлар учун муҳим палла саналган ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан 254 та отряд шакллантирилган бўлиб, дон маҳсулотларини қабул масканларига ташвиш учун 1108 дона юк ташиш автомобиллари ҳозирланди.

Ўқув-амалий семинар давомида комбайнларининг техник ҳолати, механизматорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам кўздан кеңирилди.

"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ахборот хизмати.



Турар-жойга нисбатан тақиқ тўғри қўйилганмиди?

Ҳозир ҳамма майдонларда гўза ниҳоллари бир текис униб чиқиб 3-4 ва 5-6 чинбарг фазаларида ривожланмоқда. Ниҳолларнинг тез ривожланиши учун биринчи галда катқалоқ бўлган майдонларда культиваторларга қўшимча ишчи механизмлар ўрнатилиб, қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Тупроқнинг майин, дондор бўлиши ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди. Ана шу тадбирлар ҳисобига ниҳолларнинг гоммос, илдири чириши ва тиррипсга чалинишининг олди олинади ҳамда бегона ўтларнинг чуқур илдири отишига йўл қўйилмайди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашда маъданли ва маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти беқиёс. Маҳаллий ўғитлар таркибидаги углерод микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чириди таркибига кирадиган мураккаб бирикмаларга айланади. Шулар ҳисобга олиниб, одатда ўсиши ва ривожланишининг асосий босқичларида азот, фосфор, калийнинг мақбул нисбатида бўлиши тавсия этилган. Гўза тупроқ таркибидаги озукани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Озуқа моддаларга талаби нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир.

Олимплар гўзанинг озукани талабчанлигини ўрганиш асносида ва тупроқ-иклим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиш ҳамда ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Айрим фермер ҳўжаликларидан азот солишга кўпроқ эътибор берилиб, бошқа ўғитларнинг аҳамияти тўғри баҳоланмади. Ҳолбуки, гўзанинг фосфор, айниқса, калийга бўлган биологик талаби азот эҳтиёжи билан тенг ва ҳатто ундан ҳам юқоридир. Бир тонна пахта хомашеси тупроқдан 50 кг. азотни, шунча калийни ва 20 кг. фосфорни олиб кетади.

Олимпларимиз томонидан ўтказилган тадқиқотларда агар гўза меъёрида озиклантирилса, ҳар бир чанокдаги пахтанинг ўртача оғирлиги 6-7 граммни ташкил этган. Калий тақчил бўлганда эса унинг оғирлиги 4-4,5 грамдан ошмаган. Калийнинг яна бир хислати ўсиш тўқималарида моддалар алмашинуви жараёнларини яхшилайдди. Бундай ўғит билан етарли озиклантирилган гўза қисқа муддатли қуроқчиликка ҳам бардош беради. Калий етишмаган тақдир-



Мутахассис тавсиялари

# ГўЗА ПАРВАРИШИДА ТИҒИЗ КУНЛАР

Жорий йилги баҳор серёмғир келиб, деҳқонларимизни яна бир бор синовдан ўтказди. Лекин шунга қарамай улар қуёшли кунлардан унумли фойдаланиб, тупроқ етилган ерларга пешма-пеш чигит экдилар.

да экиннинг касалликка чидамлилиги сўсяди, асосий тананинг ўсиши тўхтайдди. Айниқса, бўғинлар ўртасидаги оралик сезиларли даражада қисқаради, дастлабки даврда гўза барги тўқ яшил тусга кирайди. Бу етишмовчилик кучайганда барглари сўлқирайдди. Шунингдек, тана бўшаши, гуллаш ва кўсақ тугиш жараёни бузилади, мева тугунчалари, гул ва майда кўсақлар тўқилиб кетади, сақланиб қолган ҳосилнинг етилиши ҳар хил бўлиб, кечикади.

Ҳозир тугунчалари пайдо бўлиш жараёнида ҳам озукани муҳтож бўлади. Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, муддати, ишлатиш усули, озукани моддаларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Зеро, буларни чуқур билиш турли тупроқ-иклим шароитида ҳам ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Илмий асосланган таҳлилларга кўра, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун ер таркибида органик ва кийин эрийдиган минерал моддалар етарли эмас. Аммо тупроқда азот, фосфор ва калийнинг етарли бўлиши ўсимлик учун ўта муҳимдир.

Гўза дастлабки чинбардан биринчи шох шаклангунча қўшимча азот ва фосфорга ниҳоятда муҳтож бўлади. Шу боис, биринчи ҳосил шохчадан гуллаш бошлагунча, гўзанинг азот ва калийга бўлган талаби ортади. Гуллаш бошлагач яна азот ва фосфорга эҳтиёжи кучаяди.

Шу билан бир қаторда суспензия сепиб (1,5-2,5%) барг орқали азотли ўғитлардан фойдаланилса, гўзанинг ўсиб-ривожланиши жадаллашиб, зараркундандаларга бардошлилиги кучаяди.

Шуларни инобатга олиб, одатда ўсиб-ривожланишининг асосий босқичларида азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатлари 1,0 : 0,7 : 0,5 тарзида бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийни йиллик меъёрига нисбатан 60-70 фоизини шудгорлаш ёки экиш олдида, қолганини гўзани озиклантириш пайтида бериш керак. 1 центнер пахта ҳосили учун 8 кг. азот ва 1,0 : 0,7 : 0,5 нисбатда фосфор ва калий қўлланилади.

Самарқанд вилояти Нарпай тумани пахтакорларининг кўп йиллик тажрибаларига биноан гўзани шоналаш фазасида бир марта озиклантириш қўтилган самара бермоқда. Гўза озиклантиришини эртароқ ўтказиш тарафдорларидан бири бу АҚШнинг Калифорния штатининг Сен-Жоакин водийсида яшайдиган фермер Шени бўлади. У ҳар йили икки минг гектар майдонга чигит экиб, водий бўйича энг катта ҳосил етказди. Ҳар гектардан 44-52 центнерга ҳосил олади. Бошқа фермерлардан фарқи у нарпайлик фермерларга ўхшаб озиклантириши пахта гуллашдан бир ҳафта олдин тугатади. Гўза бундан кеч озиклантирилса, дефолиация ўтказиш кечикиб, ҳосилни териб олиш ҳам кечикади. Минерал ўғитлар билан бирга гўн, ҳазон, товуқ ва ипак курти чиқиндиларидан тайёрланган компост беришни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга калий ва фосфор етишмаган майдонларда тўла қиритиб, сўнгра қуритилган гўнни гўзанинг ўсув даврида минерал ўғитлар билан қўшиб ишлатиш ҳам яхши фойда беради.

**Ренат НАЗАРОВ,**  
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими,*  
**Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,**  
*Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.*

## НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Бугун ўз уй-жойига эга бўлиш истагидагиларнинг танлаш имкони бисёр. Маблағ бўлса бас, қурилиш бозори истаган ҳудуддан ўз хизматини тақлиф этади.



# ҲАҚ ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Навоий шаҳрилик Нилуфар Шодиева ҳам яхши ниятлар билан 2016 йилда “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖ билан кўп қаватли турар-жой биносидagi қондонни қуриб топшириш тўғрисида шартнома тузиб, 96.600.000 сўм тўлаш мажбуриятини олган эди. Шартномада кўрсатилган пул маблағи тўланиб, Навоий шаҳар М.Таробий кўчаси 100-А-уй А-корпусдаги 48 хонадонли уй Навоий шаҳар ҳокимининг қарорига асосан фойдаланишга қабул қилинди. Бироқ 2022 йил апрелга қадар ушбу турар-жой, жумладан, Н.Шодиевага тегишли 7-хонадон “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖ томонидан унга мулк қилиб топширилмаган. Муаммо шундаки, Навоий вилояти иқтисодий судининг ижро ҳўжжати асосан мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлимнинг 2020 йил 6 мартдаги қарори билан МЧЖ мулк ҳисобланган уй тақиққа олинган эди. Яъни, Навоий вилояти Иқтисодий судининг 2019 йил 8 августдаги қарздор “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖдан ундирувчи Навоий шаҳар ДСИ фойдасига 1.757.593.892 сўмлик солиқ қарзини қондонни тўғрисидаги ижро ҳўжжати ва мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлимнинг кўчмас мулкка нисбатан тақиқ солиш тўғрисидаги қарорига асосан “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖга тегишли бўлган ушбу турар-жой биноси рўйхатга олиниб, эғалик қилиши лозим бўлган мулкларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳўқуқлари чекланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг суд мажлисида Н. Шодиеванинг даъвоси атрофчида ўрганилиб, қўриб чиқилди. Аниқланишича, “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖнинг қарздорлиги жамиятнинг муаммоси бўлиб, гарчанд, мазкур низоли турар-жой биносига Навоий вилояти Иқтисодий судининг ижро ҳўжжати асосан 2020 йилда тақиқ солинган бўлсада, низоли турар-жой биноси юзасидан тарафлар ўртасидаги ҳўқуқ ва мажбуриятлар бина тақиқ солинмасдан олдин, 2016 йилда вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 241-моддасига кўра, шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳўжжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек, агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин. Айни ҳолатда даъвогар Нилуфар Шодиева 2016 йилда жавобгар “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖ билан шартномавий муносабатларга киришган бўлиб, ушбу шартномада унинг жавобгар “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖни бошқа шахслар олдидаги кейинчалик келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган мажбуриятлари бўйича бирорта ҳам жавобгарлиги белгиланмаган. Суд мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими томонидан низоли турар-жойга нисбатан тақиқ қўйилишида даъвогарнинг турар-жойга бўлган ҳўқуқлари чекланганлигини, бунинг натижасида даъвогарнинг мулквий ҳўқуқлари бузилганлиги, ушбу мулквий ҳўқуқларни тиклаш ва унинг муҳофазасини таъминлаш эса мулкни рўйхатдан чиқариб, даъвогарнинг эғалигига қайтарishi йўли билан ҳал этилиши лозимлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди. Яъни даъвогарнинг жавобгарлар Мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими ва “Navoiy quruvchi yoshlari” МЧЖга нисбатан шартнома тузиш мажбуриятини юклаш ва тақиқни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, Навоий шаҳар М.Таробий кўчасида қурилган 4 қаватли уйнинг 3 хонали хонадонини Н. Шодиеванинг номига расмийлаштириб бериш мажбурияти юклатилди.

**Шерали ОЧИЛОВ,**  
*Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси.*

## Эълон

Тошкент шаҳри 26-ўрта хунар техника билим юрти томонидан 1991 йилда Артиков Отабек Ташпулатович номига берилган Е № 041929 (рўйхат рақами 000910) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2019 йилда Жалилов Асадбек Фарҳод ўғли номига берилган UM № 0712764 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2020 йил 26 мартда Шарифзонов Афзалжон Мансур ўғли номига уй-жойга эғалик қилиш учун берилган № 22-05/1166 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Деҳқончиликни самарали ташкил этишда гумуснинг аҳамияти катта. Тупроқда гумус миқдорининг кўпайиши унинг унумдорлигининг орттишига олиб келади ва ердан самарали фойдаланишга эришилади.

# ГУМУСНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Республикамиз шароитида тупроқларда деградация жараёнларининг ривожланиши тупроқ хосса-хусусиятларининг ёмонлашувига, унумдорлик кўрсаткичлари ва гумус ҳосил бўлиш жараёнларига катта таъсир қилмоқда. Тупроқ гумуси билан бир қаторда бошқа озукани элементлар, энг аввало, умуий азот миқдорининг пасайиши кузатилади. Гумус асосан ўсимлик дунёси қолдиқлари ҳисобига шаклланади. Бу қолдиқлар таркибида эса органик бирикмалар кам. Шунинг учун ҳам тупроқнинг юқори қатламларида гумус кўп бўлишига қарамасдан унинг таркибида азот кам бўлади. Чорвачилик эса ўз навбатида ер унумдорлигини ошириш учун кимматбаҳо органик минерал ўғитлар билан таъминлайди. Ўртача таъминланган тупроқларда ҳосил олиш учун 150 кг. азот ўзлаштирилиши лозим. Агар чорвачилик корхонасининг чикинди суви таркибида азот миқдори 350 мг/л бўлса 1 гектар майдонга қанча чикинди суви берилиши керак? Агарда бизга тупроқнинг озик модда билан таъминланганлик даражаси, суғориш жараёнида йўқоладиган азот миқдори, сувдаги озик моддалардан фойдаланиш коэффициенти, чикинди суви таркибидаги 0,35 азот маълум бўлса, 1 гектар майдонга тахминан 800 метр куб чикинди суви берилиши лозимлигини топиш қийинчилик туғдирмайди.

Ҳозир тугунчалари пайдо бўлиш жараёнида ҳам озукани муҳтож бўлади. Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, муддати, ишлатиш усули, озукани моддаларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Зеро, буларни чуқур билиш турли тупроқ-иклим шароитида ҳам ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Илмий асосланган таҳлилларга кўра, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун ер таркибида органик ва кийин эрийдиган минерал моддалар етарли эмас. Аммо тупроқда азот, фосфор ва калийнинг етарли бўлиши ўсимлик учун ўта муҳимдир.

# БЕЗГАК — ЎТКИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

Саломат бўлинг!

Безгакнинг олдини олиш борасида қатор халқаро ташкилотлар билан кенг кўламли ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган бўлишига қарамасдан, дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатларида бу касаллик ҳамон долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга кўра ҳар йили ер юзидан 200-300 миллион нафар инсон безгак билан касалланади. Бунга экологик табиий оғитлар, аҳолининг касалликка мойиллигининг юқорилиги, ижтимоий-маиший шароит ҳамда аҳоли миграциясининг кучайиши сабаб бўлади. Айниқса, бундай салбий ҳолатлар тропик мамлакатларда ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Безгак ўткир юқумли касаллик бўлиб, анофлес (безгак чивинлари) чивини орқали юқиши, тана ҳарорати кўтарилиши, талок ва жигарнинг катталаниши ҳамда камқонлик билан характерланади. Унинг 4 та қўзғатувчиси мавжуд: уч кунлик безгак қўзғатувчиси, уч кунликка ўхшаш овале безгак қўзғатувчиси, тўрт кунлик безгак қўзғатувчиси ҳамда тропик безгак қўзғатувчиси ларидир. Улар ўзининг клиникаси,

эпидемиологияси ва лаборатория диагностикаси билан бир-биридан фарқ қилади. Инфекция манбаи шу касаллик билан оғриган бемор ва паразит ташувчи ҳисобланади. Қўзғатувчининг 2 та “ҳўжайин”и бўлиб, асосий “ҳўжайин” анофлес чивини, оралик “ҳўжайин” одам ҳисобланади. Чивин безгакка чалинган инсонни чаққанда, унинг ошқозонига қон орқали паразитлар тушади ва бир неча кун мобайнида ривожланади ва у юқумли паразит ташувчисига айланади. Соғлом одамни чаққанда чивиннинг сўлаги орқали инфекция одам танасига тушади ва маълум муддат ичида касаллик белгилари пайдо бўлади.

Безгак чивинлари сувда ва ҳавода ҳаёт кечиради. Шароит ва ҳарорат қулай бўлса, 10-20 кун ичида ривожланиб, вояга етади Сўнгра аҳоли яшайдиган ҳудудларга қон сўриш

учун учиб боради. Танасида янги авлод етиштираётган ургочи чивинларгина қон билан озикланади. Бунинг учун 3 км.гача бўлган масофани босиб ўта олади. У икки ой давомида касаллик юктириш қобилиятига эга бўлади. Безгак чивинлари асосан соҳили ботқоқлашган сув ҳавзалари, шолпооялар, ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган, турғун сувли ёки оқими секин ариқлар, ишдан чиққан сув қувурлари, ичимлик сувининг беҳуда оқиб ётиши натижасида вужудга келган сув ҳавзалари — қўлмақларда кўпаяди.

**Зокиржон АБИДОВ,**  
*Наманган вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси паразитология бўлими ва лабораторияси мудири, тиббиёт фанлари номзоди.*

Тупроқ бу табиатнинг алоҳида бўлаги, планетамиз “қобити” ёки кибернетика тили билан айтганда биосферани бошқарувчи тизимидир. Тупроқнинг таркиб топиши ва унумдорлиги орттишида органик модда катта аҳамиятга эга. Ўсимлик ва жониворлар қолдиғидан иборат бу органик модда микдори ва сифати шу тупроқнинг унумдорлигини, куч-қувватини ҳамда унинг ижобий ва салбий хусусиятларини белгилловчи муҳим омил саналади. Тупроқ унумдорлигида унинг таркибидаги органик модда — гумуснинг алоҳида ўрни бор. Ўсимликлар тупроқ орқали қандай озикланади? Бу муаммо ҳам инсониятни ҳисобига шаклланади. Бу қолдиқлар таркибида эса органик бирикмалар кам. Шунинг учун ҳам тупроқнинг юқори қатламларида гумус кўп бўлишига қарамасдан унинг таркибида азот кам бўлади. Чорвачилик эса ўз навбатида ер унумдорлигини ошириш учун кимматбаҳо органик минерал ўғитлар билан таъминлайди. Ўртача таъминланган тупроқларда ҳосил олиш учун 150 кг. азот ўзлаштирилиши лозим. Агар чорвачилик корхонасининг чикинди суви таркибида азот миқдори 350 мг/л бўлса 1 гектар майдонга қанча чикинди суви берилиши керак? Агарда бизга тупроқнинг озик модда билан таъминланганлик даражаси, суғориш жараёнида йўқоладиган азот миқдори, сувдаги озик моддалардан фойдаланиш коэффициенти, чикинди суви таркибидаги 0,35 азот маълум бўлса, 1 гектар майдонга тахминан 800 метр куб чикинди суви берилиши лозимлигини топиш қийинчилик туғдирмайди.

# ТОКЧАДА ҚОЛДИРИЛГАН ГУГУРТ...

Кузатувлар натижасида аниқланишича, болаларнинг ўйинқароқчилиги туфайли содир бўлаётган ёнгинлар аянчли оқибатларга сабаб бўлар экан.

Таҳлил маълумотларига қараганда республикамизда содир бўлаётган ҳар ўнинчи ёнгин айнан болалар шўхлиги натижасида юзага келмоқда. Доимий оғоҳлантириш ва узлуксиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, базан арзиманган эътиборсизлик туфайли келиб чиққан ёнгинлар учраб турибди. Хусусан, бунга бир мисол келтирамиз. Тошкент шаҳар Сергели тумани Курувчилар даҳасида яшовчи фуқаро Б.А уйда, фарзандлари олдида тамаки маҳсулоти-

ни чекиб, фойдаланган гугуртни тоқчада қолдиради ва ўз юмушлари билан шуғулланиш учун ташқарига чиқиб кетади. Бу орада хона ичида қолган икки нафар ёш боласи тоқчадаги гугуртни олиб, кўп қаватли уйнинг орқа тарафида йиғилиб қолган шох-шабба ва қуруқ ўтларни ўйнаб ёқди. Қуруқ ўт ва шох-шаббалар тезлик билан ёнғини натижасида ёнгин содир бўлади. Ёнгин оқибатида 150 кв. метр майдонда чикинди ва қуруқ ўтлар ёнғин атроф табиий муҳитига зиён етказилади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ёнгин ҳафсизлиги ҳодимлари томонидан жойларда аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, бирламчи ёнгин ўчириш воситасини ишлатиш, ёнгин ўчириш асбо-анжомларидан фойдаланиш тартиби, техника кўрсатмасидан фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, жойлардаги корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимларига ёнгин ҳафсизлиги бўйича йўриқномалар ўтиб боришмоқда.

Ёнгин ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиниши лозимлиги болаларга қанчалик барвақт ўратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда мактабларда, мактабгача таълим ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларининг ўқув режаларида ушбу масала ўз аксини топган, ёнгин ҳафсизлигига доир таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Албатта, фарзандларимизга ёнгин ва унинг оқибатлари ҳусусида мунтазам равишда тушунча бериб, уларнинг кўникмаларини ошириб борсақ, қўзланган мақсадга эришган бўламиз.

**Яҳё МАМАЖОНОВ,**  
*Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Сергели туман ФВБ 10-ёнгин кутқарув қисми бошлиғи, капитан.*



Республика телевидениеси қарийб бир ҳафта давомида пойтахтимизда ўтказилган мактаб ўқувчиларининг 56-Менделеев номидаги Халқаро олимпиаданинг бориши тўғрисида кўрсатувлар бериб борди. Турли мамлакатлардан келган экспертлар юртимизда бу анжуманга қисқа давр ичида катта тайёргарлик қўрилганлиги ҳақида фикрларини билдириб туришди. Ахир пандемия шароитида бу нуфузли мусобақа икки йил онлайн тарзида ўтказиб келинган эди.

## МУРОДБЕК ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА

# СОВРИНДОР



Юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўн икки нафар ўқувчи орасида Ғузур туманининг 68-давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати ўқувчиси Муродбек Эргашев ҳам бор эди. Утган йил ноябр ойининг охирида Республикадаги тенгдошлари билан синов мусобақаларида иштирок этган ва 25 нафар танлаб олинган тўқувчилар сафига кирган Муродбек кейинги босқичга пухта тайёргарлик кўрди. Устози Тиловмурод Топпўлатов ёрдамида кимёга доир масалаларни ечишни машқ қилди, тест саволларига жавоб топишни ўрганди, лаборатория тажрибаларини ўтказиб билимини оширди. Шу йил феврал ойида ўтказилган кейинги синовда у 12 нафарга қисқарган ғолиблар таркибида мамлакат терма жамоаси таркибига киритилди.

Кўплаб хорижий давлатларда нуфузли мусобақа ҳисоблаб келинадиган ушбу олимпиадада иштирок этиш масъулиятини ҳис этган Муродбек тайёргарлик ишларини Тошкентда олиб борди. Ўз тенгдошлари билан мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилдилар — ўзбекистонлик ва хориждан келган олимлардан маслаҳатлар олди. Ниҳоят мусобақа бошланди. Йигирма мамлакатдан келган ўқувчилар кимёга доир масалалар

ечиш бўйича куч синашди.  
— Узимни қанчалик ҳаяжонланмасликка мажбур қилсамда барибир мусобақа нуфузи ўз таъсирини кўрсатди, — деб мусобақа якунланганидан сўнг эслайди Муродбек. — Ечган масалаларимда энг осон жойларда хатога йўл қўйганлигимни кўриб ҳайрон қолдим. Яхшиямки олимпиада ҳакамлар ҳайъатининг раиси москвалик таниқли олим В.Ненайденко менинг ишимни кўриб, балимни кўтариб қўйди. Чунки текширувчи эксперт ечган масаланинг қаеринидир ҳисобга олмаган экан. Кейинги босқичларда ҳаяжон анча босилди ва натижа ҳам шунга яраша бўлди.  
Ташкилий кўмита раиси С.Калмиков олимпиада натижасини эълон қилар экан,  
Муродбек Эргашевни бронза

медали соҳиби бўлганлиги билан қутлади.  
Ўзбекистон темир йўллари тармоғида муҳандис бўлиб меҳнат қилиб келаётган Муродбекнинг отаси Январ Эшназаровни ва бутун умрини қишлоқ хўжалигига бағишлаган бобоси Эргаш бобони ҳамда оила аъзоларини 68-ДИМИ-нинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари фарзандининг ютуқлари билан табрикландилар.  
Ҳа, ушбу халқаро олимпиада фарзандларимизга хорижлик ўқувчилар билан дўстлашиш, юртимизни табарруқ жойларини зиёрат қилиш имкониятларини берди. Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ва Самарқанд шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳатлар барчада катта таассурот қолдирди.  
Хусниддин НУРИДДИНОВ



Андижон вилояти  
Суратда: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов Бўстон тумани фуқаролари қабули пайтида.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга қўйилган аҳоли ҳаёт тарзи учун давлат идоралари масъулиги самараси айниқса аҳоли билан жойларда қабуллар уюштиришда яққол кўза ташланмоқда. Бу тажриба шуниси билан ўзини оқламоқдаки, аҳоли ўз дардини муаммо бўлиб турган жойда аниқ-тиниқ ифодаб бера олади. Тиббий соҳа мутасаддилари иштирокидаги қабуллар аҳоли учун энг зарур чора-тадбир сирасига қиради. Зотан, фуқаро ўз манзилида тиббий соҳада мурожаат қилиши унга анча қулай ва кам сарфли иш бўлаётти. Шу дмларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов Андижон вилоятининг деярли барча туманлари аҳолиси билан учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш чораларини белгиламоқда. Қабул давомида аҳолининг нафақат ўз соғлиғига оид муаммолари, балки туманлардаги тадбиркорларнинг тиббий соҳаси бўйича амалга оширмоқчи бўлган ишларига ҳам йўл очилмоқда.

Соҳиба ҲАКИМОВА

## Аслида мен учун азизроқ не бор Азиз қишлоғимнинг ҳаловатидан?..

### Семинар

## АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ?

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани 8-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикасида келгуси йили ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик юзасидан ўқув семинари ташкил этилди.

Семинарда Янгиҳаёт тумани статистика бўлими вакиллари иштирокчиларга ушбу тадбирга тайёргарлик ишларининг бориши хусусида батафсил маълумот берди. Кўча номлари, хонадон тартиб рақамларини шакллантириш, кадастр агентлиги билан ҳамкорликда маҳалла фуқаролар йиғинининг картографик схемаларини янгилаш, қўшимчалар киритиш айтиб ўтилди. Шунингдек, шахсга доир маълумотларни йиғиш респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали амалга оширилиши бўйича ҳам маълумот берилди. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш эканлиги таъкидлаб ўтилди.

А.МАМАТОВ,  
Янгиҳаёт тумани  
статистика бўлими бошлиғи.



## Қишлоқ соғинчи

Мени улғайтирган аслида ўша  
Анори ғарқ пишган боғу далалар.  
Шаҳарга йўл олдим, қўлларин силкиб  
Кузатиб қолишди митти болалар.

Қуёш барчага тенг нур сочар эмиш,  
Бу гапнинг барчаси ёлғонми дейман.  
Аслида онамнинг меҳри-ку чексиз,  
Қуёш онамдан нур олганми дейман.

Анор донасидек тўқилди тоқат,  
Мезон боғларидек хувиллар кўнглим.  
Кун келиб қишлоққа қайтаман, фақат,  
Сен мени жилмайиб кутиб ол синглим!

Бешибман йўли кенг, кўнглилари тор  
Шаҳар сўзалиғи, тароватидан.  
Аслида мен учун азизроқ не бор  
Азиз қишлоғимнинг ҳаловатидан?..

Феруза РАҲМАТОВА,  
Гулистон тумани

### Реклама



## Сувда эрувчан

### хлорсиз комплекс ўғит – NPKS

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS экишдан олдин туپроққа сепиш учун ҳам, уруғларни экиш олдида ишлов бериш учун иссиқхоналар ва очиқ ерга сепиш орқали ишлатилади.

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS таркибида азот, фосфор, калий ва олтингургут каби асосий озиқ моддалар мавжуд.

### ТАРКИБИДА:

- 17 % АЗОТ,
- 11 % ФОСФОР,
- 9 % КАЛИЙ,
- 13% ОЛТИНГУРГУРТ

Манзил: Тошкент вилояти  
Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.  
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.  
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.  
info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган

### Эълон

## “МАХАМ-ЧИРЧИҚ”

акциядорлик жамияти  
ваколатли омборлар  
ташкил қилиш бўйича  
танлов эълон қилади

“Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларни вақтинчалик сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишда тадбиркорлик субъектлари ва бошқа талабгор корхоналар ўртасида тенг рақобатбардошлик жараёнини холис ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида, корхонада ваколатли омборларни ташкил қилишни танлов асосида ўтказилишини эълон қилади.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйиладиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни қуйидаги веб-сайтдан олишингиз мумкин: (www.Maxam-Chirchiq.Uz)  
Маълумот олиш учун почта манзили: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2 уй.  
Телефон: +998(70) 719-33-23.  
e-mail:birga@maxam-chirchiq.uz

## QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

### Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
Бюджетга Г-547. 1740 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.  
Факс – (0-371) 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.  
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 19.20